

## Фарғона туманидаги тез тиббий ёрдам бўлимларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда

Пандемия шароитида тез тиббий ёрдамга бўлган талаб кескин ошган. Шу боис шошилинч ва биринчи ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда.

Фарғона туманида 4 та тез тиббий ёрдам пункти ва унга бириктирилган 4 та тез тиббий ёрдам шаҳобчалари мавжуд. Вилоят ҳокимининг топшириғига биноан ҳар бир тез тиббий ёрдам бўлимларининг ҳар бирига қурилиш ташилотлари бириктирилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Барча тез тиббий ёрдам пунктларини мебел ва жихозлари учун 40 млн. сўм маблағ ажратилган. Ҳозирги кунга қадар 1 дона кондиционер, 2 дона музлатгич келтирилган.

Вилоят ҳокимининг 2020 йил 2 август кунгги топшириғига асосан пандемия даврида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда аҳоли саломатлигига бўлган эътиборни ошириш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан 4 та тез тиббий ёрдам пункти ва унга бириктирилган 4 та тез тиббий ёрдам кўрсатиш шаҳобчалари кўриб чиқилди. Ҳозирги кунда туман худудидаги “Кўрғонтепа” тез тиббий ёрдам бўлимига “Иморат қурилиш инвест” х/к, “Хонқиз” тез тиббий ёрдам бўлимига “Чимён имкон қурилиш” х/к, “Аввал” тез тиббий ёрдам бўлимига “PLAMDEM”х/к, “Водил” тез тиббий ёрдам бўлимига “Сардор қурилиш ва таъмирлаш”, “Фарғона пирамида файзли” х/клари, “Лоғон” тез тиббий ёрдам бўлимига “Нур Курбон қурилиш” МЧЖ, “Оқбилол” тез тиббий ёрдам бўлимига “Мирзо Курбон ХК”, “Миндон” тез тиббий ёрдам бўлимига “Икром бинокор қурилиш” х/к, “Чимён” тез тиббий ёрдам бўлимига “Шукронда файзли замини” ҳамда “Умарбек билдинг” МЧЖлари бириктириб берилган ва ҳозирги кунда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, туман аҳолисига пандемия вақтида малакали шошилинч ёрдам кўрсатиш, шифокорлар ўртасида касалланишни олдини олиш, касалликни бошқа беморларга юқтирумаслик мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан 1 та янги Дамас русумли тез тиббий ёрдами машинаси ҳарид қилинди ва “Водил” тез тиббий ёрдам бўлимидаги мобил эпидемиологик гуруҳ учун алоҳида ажратиб берилди.

Бу рақамларни яна бошқача таърифлаш ҳам мумкин. Яъни, тез тиббий ёрдами чақиравлари сонининг ошиши аҳоли орасида ўз соғлиғига эътибор ошиб бораётганлиги, айниқса, тана ҳарорат кўтарилиши билан боғлиқ ҳолатларда зудлик билан врач маслаҳатига мурожаат қилишлари, бирламчи тиббий санитария тизимида касалликларни эрта аниқлашга қаратилган чоратадбирларнинг ижроси деган хулоса қилиш мумкин. Беморларда дастлабки касаллик симптомлари қанчалик эрта аниқланса, уни даволаш шунчалик осон ва асоратсиз кечади.

Айни вақтда таъмирланаётган тумандаги тез тиббий ёрдам бўлимлари қўйидаги фото лавҳаларда акс этган.



---

**Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2020-08-07 15:16:19